

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ВА УНИНГ ЁШЛАР ИЖТИМОЙ МОСЛАШУВИГА ТАЪСИРИ

Эшдавлатов Отаниёз Гаффорович
Навоий давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада глобаллашув шароитидаги ижтимоий муносабатлар трансформацияси ва мазкур жараённинг ёшлар ижтимоий мослашувига таъсири билан боғлиқ масалалар баён этилган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, ижтимоий муносабатлар, трансформация, ёшлар, ижтимоий мослашув, дунёқараш, қадриятлар тизими

Аннотация: В статье описаны вопросы, связанные с трансформацией общественных отношений в условиях глобализации и влияние этого процесса на социальную адаптацию молодежи.

Ключевые слова: глобализация, социальные отношения, трансформация, молодежь, социальная адаптация, мировоззрение, система ценностей

Annotation: The article describes the issues related to the transformation of social relations in the conditions of globalization and the impact of this process on the social adaptation of young people.

Key words: globalization, social relations, transformation, youth, social adaptation, worldview, value system

Маълумки, XXI асрга келиб жамият аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар глобаллашув таъсиридан келиб чиқиб, ўзининг янгича миқёси, кўринишлари, форматлари билан намоён бўлиб, ўзгариб бормоқда. Бунда чегаралар, маданиятлар ювилади, турли маданиятлар интеграцияси, ижтимоий муносабатлар трансформацияси кузатила бошлади.

Таъкидлаш жоизки, тараққиёт, албатта жамият ривожига хизмат қиласди. Шу билан бир қаторда тараққиётнинг янги мингийилликда олам ва одам ўртасидаги муносабатлар табиатини ўзгартириб юбораётгани ҳам кузатилмоқда. Глобал миқёсдаги бундай трансформация жараёнида миллий ўзликни асраш, маданиятлар софлигини сақлаш, миллатлараро тотувлик, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Замонавий дунё ҳамон умумбашарий таҳдид ва таҳликалар, турли хуружлар куршовида қолмоқда. Бунинг фонида наинки манфаатлар, балки турфа маданиятлар тўқнашуви кузатилмоқда.

Глобаллашув феномени замонавий дунёда нафақат иқтисодий, балки сиёсий ва ижтимоий жабхаларда ҳам ўз аксини кўрсатиб, ҳозирги кунда янги маълумотлар ҳаётимизнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий трансформация

жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Глобаллашувнинг асоси ҳам айнан шу маълумотларни қабул қилиш, ўзлаштириш, таҳрир этиш ва узатишдан ташкил топгандир

Адабиётларда, луғатларда¹ трансформация тушунчаси бир ҳолдан бошқа ҳолга ёки бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш, ўзгариш, бир ҳолдан бошқа ҳолга ўтказиш, ўзгариши маъносига келади.

Трансформация сўзи лотин тилидаги “transfor” ва “matio” сўзларидан келиб чиқсан бўлиб, “ўзгариш” ва “олдинга” деган маъноларни англатади. Жамият ва давлат ўзгариши билан боғлиқ жараёнларни ифодалаш учун ишлатилади.²

Трансформация бир сўз билан айтганда ўзгаришdir. Ўзгаришлар жамият тараққиётининг моҳияти ҳисобланади.

Глобаллашув жараёнининг жамиятлар тараққиётига, миллатлар, халқлар ва элатлар ўртасидаги муносабатларнинг интеграциялашувига хизмат қилувчи ўзига хос ижобий томонлари билан бирга салбий томонлари ҳам борки, мана шу салбий жиҳатларининг таъсир доираси ҳозирги глобал ахборот асрида янада кучайиб, бу жараён айникса ёшлар ҳаётида, уларнинг турмуш тарзида ўзининг яққол ифодасини топиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев глобаллашув шароитидаги турли ғоявий таҳдид ва хуружларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётига таъсири борасида тўхталиб шундай таъкидлайди:

Ҳозирги глобаллашув даврида, инсон онги ва қалби учун кураш кучайган бир пайтда турли ғоявий таҳдид ва хуружлар жамиятимизнинг маънавий ҳаётига таъсир кўрсатишнинг кучли қуроли сифатида намоён бўлмоқда.³

Глобаллашув яратоётган имкониятлардан ҳозирги кунда маънавий бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилаётган сиёсий ва мафкуравий марказлар фойдаланмоқдалар. Бунинг оқибатида инсоният томонидан катта маънавий йўқотишлар, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётганини, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзига хавф солаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ижтимоий муносабатлар трансформацияси жараёнлари ва мазкур жараёнларнинг ёшлар ижтимоий мослашувига таъсири масаласининг долзарблигидан келиб чиқиб таъкидлаш ўринлики, ёшларимизнинг жамиятга ижтимоий мослашиб боришида ижтимоий муносабатлар трансформацияси жараёнларининг ўзига хос аспектларини, ижобий ва салбий томонларини, ёшлар хулқ-атвори ва юриш-туришида қадриятлари тизимида намоён бўлиш

¹ <https://uz.wiktionary.org/wiki/трансформация>

² Ламажаа Чимиза Кудер-ооловна Социальная трансформация // Знание. Понимание. Умение. 2011. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sotsialnayatransformatsiya>

³ Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2022. Б.251.

хусусиятларини таҳлил ва тадқиқ қилиш, шу билан биргаликда ёшларни замонавий ижтимоий трансформацион жараёнларнинг салбий таъсирларидан сақлаш, уларни миллий маънавий меросимиз ва қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш ҳамда ижтимоий мослашуви жараёнида бу таҳдидларга қарши ўта таъсиранчан услугуб ва воситалардан фойдаланишни ташкил қилиш ҳозирги кунимизнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда, десак муболага бўлмайди.

Ёшларнинг жамиятга кириб келиши, ижтимоий мослашиб бориши ва шахслар билан муносабатлари уларнинг келгуси фаолиятларини белгилаб беради, уларнинг келгусидаги характеристики, руҳиятига катта таъсир кўрсатади ва келажакда қандай инсон бўлиб етишишининг муҳим шарти ҳисобланади. Ижтимоий муносабатлар трансформацияси кузатилаётган ҳозирги вақтда мазкур трансформацион жараёнларнинг ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига ҳам ўз таъсирини ўтказаётганлигини кўриш мумкин.

Ижтимоий мослашув — индивиднинг ижтимоий муҳитга доимий фаол мослашиш жараёни ва бу жараённинг натижаси⁴.

Тадқиқотчи А.Ковалеванинг ёзишича, ижтимоийлашув ўз ичига барча ижтимоий жараёнларни қамраб олган бўлиб, яъни индивиднинг белгиланган нормалар ва қадриятларни ўзлаштириши ва жамият аъзоси сифатида улардан кенг қамровда фойдаланишида намоён бўлади⁵.

Ёшларнинг ижтимоий мослашуви ёшларнинг ижтимоий муҳитга доимий фаол мослашиш жараёни бўлиб, уларнинг жамиятда ўрнатилган ва амал қилиб турган нормалар ва қадриятларни ўзлаштириши ҳамда улардан кенг қамровда фойдаланишидир.

Маълумки, замонавий ёшлар глобаллашув шароитида ахборотлашган жамиятда ижтимоий трансформацион жараёнлар кечеётган бир даврда ҳаёт кечиришмоқда.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, ҳозирги ёшларнинг ижтимоийлашуви кўплаб омиллар билан шартланган. Уларнинг ижтимоий онги даражаси аввалги авлодларнинг ёш қатламларига нисбатан анча юқори. Шунинг учун замонавий ижтимоий ижтимоийлашув жараёнларига танлов асосида ижодий, танқидий ёндошувлар хос. Фаоллик ижтимоийлашувнинг муҳим шартидир. Чунки фаоллик шахс ва жамият ўзаро муносабатларининг асоси бўлиб, бунинг натижасида инсон ижтимоийлигининг конкрет-тарихий шаклига эришилади. Айни пайтда ижтимоийлашув факатгина субъект фаоллиги эмас, балки обьектнинг унга бўлган таъсири ҳамdir.⁶

⁴ <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/ijtimoiy-moslashuv-uz/>

⁵ Ковалева А.И. Социология молодежи: Теоретические вопросы. – Москва.: Социум, 1999. – С.351.

⁶ Ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашуви (этносоциологик тадқиқот) – Тошкент: “Tafakkur” 2014. 24-бет

Ижтимоий муносабатлар трансформацияси кузатилаётган ҳозирги глобаллашув шароитида мазкур трансформацион жараёнларнинг ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига, дунёқарашига ва қадриятлари тизими ўзгаришига ҳам ўз таъсирини ўтказаётганлигини, шу билан биргаликда ёшларнинг дунёқараши, уларнинг ижтимоий мўлжаллари, қадриятлари тизимининг намоён бўлиши орқали ёшлар ижтимоий мослашуви моҳиятини янада теран англаш мумкин.

Адабиётларда ижтимоийлашувнинг икки жиҳати ажратиб қўрсатилади. Булар: ижтимоий мослашув ва интериоризация. Биринчи жиҳатга қўра индивиднинг мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий шарт-шароитларга, турли даражадаги тартиб-қоидаларга, социал структура ва институтларга, қолаверса ўзининг жамиятдаги мавқеига мослашуви назарда тутилса, иккинчи жиҳат, яъни интериоризацияда, ижтимоий қадрият ва тартиб-қоидалрнинг инсон ички дунёсига сингиб бориши, ташқи муҳитнинг ижтимоий тартибларига қадриятларни ва бошқа компонентларнинг инсон “мен”ига сингиб бориши, ҳар бир конкрет шахснинг аввалги ижтимоий тажрибани ўзлаштириши ифодаланади⁷.

Ижтимоий муносабатлар трансформацияси кузатилаётган ҳозирги глобаллашув шароитида мазкур трансформацион жараёнларнинг ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига, дунёқарашига, ижтимоий мўлжалларига ва қадриятлари тизими ўзгаришига ҳам ўз таъсирини ўтказаётган қўплаб омилларни, яъни турли хил маънавий ва ахборот таҳдидлари, “оммавий маданият”, турли маданиятлар тўқнашуви, манипуляцион жараёнлар, ғарбона идеалларга тақлидчилик каби масалаларни айтиш мумкин.

Маънавий таҳдидлар шахс ахлоқий онги ва тафаккурида салбий тушунчалар, қарашлар, туйғулар, хусусиятлар ва сифатларни ҳосил қилувчи иллатлар мажмуидир.

Маънавий таҳдиднинг ғоявий-мафкуравий хуруж ва таҳдидларига қарши курашда, улар таъсири камайтириш ва бартараф этишда бой маънавий меросимиз ва қадриятларимиз, халқона гўзал одоб-ахлоқимиз ва маданиятимиз билан курашишимиз лозим бўлади.

Ҳозирги глобаллашув даврида ахборот таҳди迪 масаласи алоҳида тадқиқ этилиши лозим бўлган жараён ҳисобланиб, у шундай бир универсал характерга эгаки, унинг барча бошқа соҳаларга жиддий салбий таъсир қилиш имконияти бор: шахс дунёқарашига, жамият барқарорлигига, давлат тинчлигига, жамоатчилик фикрини чалғитишга ва охир оқибатда ҳар бир мамлакатнинг маънавий, сиёсий, иқтисодий, маданий юксалишига ҳам таъсир қилиши мумкин.

⁷ Алиев М.Г. Социализация согласия. – Москва.: “ИФРАН”, 1998. -С.46.

Демак, глобаллашувнинг ёшлар маънавий тарбиясига ўтказаётган салбий таъсири қуидагиларда намоён бўлмоқда:

Биринчидан, информацион воситаларнинг юксак ривожланиши натижасида Интернет, ижтимоий тармоқлар, телекоммуникациялар ва турли ахборот нашрларининг кириб келиши. Бу воситалар орқали таклиф этилаётган “қадриятлар” кўп холларда ёшларни ўз миллий қадриятларидан узоқлаштириб қўймоқда, бошқача қилиб айтганда ўзига хос “илдизи йўқ индивид”ларнинг шаклланишига, ўз тарихий илдизларидан узоқлашувига олиб келмоқда.

Иккинчидан, “оммавий маданият” турли хил кўринишларининг ёшлар орасида тобора кенг тарқалиши. Булар асосан кийинишда, қизиқишларда, бўш вақтни ўтказишида, дидларнинг саёзлашувида, миллий қадриятларга муносабатда намоён бўлмоқда. Ёт маданият қадриятларини ўзида ифода этаётган “оммавий маданият” ёшларимизда гарбона индивидуализм, эгоцентризм, нигилизм, андишасизлик, беҳаёлик ва зўравонлик, миллий қадриятларга ва ижтимоий манфаатларга беписандлик билан муносабатда бўлиш каби иллатларни келтириб чиқармоқда.

Учинчидан, ёшлар орасида тақлидчилик, гарбона идеалларга кўр-кўронга эргашиш каби ҳолатлар ҳам кузатилмоқда. Бунда, хорижда кенг тарқалган ахлоқий ва маънавий юриш-туриш андозаларининг ижтимоий тармоқлар, кинофильмлар, мода ва турли хил рекламалар орқали ёшларимизнинг онгини эгаллаб олаётганлигини сезиш қийин эмас. Оқибатда, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинлари олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни томоша қилиш, турли ижтимоий тармоқларни кузатиш одат тусига кириб бормоқда.

Бундан ташқари, Фарб ва Шарқ маданиятларининг ўзига хос жиҳатлари ҳам глобаллашув шароитида маданиятлараро интеграцияларда тафовутлар билан намоён бўлмоқда. Маълумки, Фарб дунёсида устувор ҳисобланадиган қадриятлар сифатида, шахсий эркинлик ва индивидуал ҳуқуқлар, шунингдек, ўзлигини намоён қилиш эркинлиги устун қўйилса, Шарқ маданиятида устуворлик жамоа манфаатлари, оила шаъни ва муқаддаслиги, ижтимоий анъана ва тартиботлар, катталарга хурмат каби қадриятларга ажратилади. Инсон ва жамиятга нисбатан қарашларда мавжуд бўлган мазкур жиддий тафовутлар цивилизациялараро қарама-қаршиликларга сабаб бўлмоқда. Глобаллашув шароитида маданиятлараро интеграция энг аввало, маънавий-ахлоқий ва маърифий мезонлар, умуминсоний қадриятлар асосига қурилмоғи лозим.

Маълумки, ҳозирги глобал асрда кечеётган ижтимоий, иқтисодий ва геосиёсий жараёнлар инсонларни, айниқса ёшларни маънавий-мафкуравий таъсири объектига, инсон онги ва қалби учун олиб борилаётган курашнинг энг

асосий нуқтасига айлантирмоқда. Турли қараш ва манфаатларга эга субъектларнинг ёшлар дунёқарашини ўз мақсадларига мувофиқ равишда ўзгартиришга, уни манипуляция қилишга интилиши, уларга турли ижтимоий нормалар ва позицияларни, сиёсий ғояларни, маънавий қадриятларни сингдиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари тенденциявий тус олмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, албатта, бугунги кунда ёшлар дунёқарашидаги ўзгаришларнинг барчасини ҳам манипуляцион саъй-ҳаракатларнинг маҳсулси сифатида баҳолаб бўлмайди. Ёшларнинг борлиқ ҳақидаги қарашлари тизими ҳозирги замон цивилизацияси, бугунги кун реалликларининг объектив таъсири натижасида ҳам янгича тус олиб бормоқда. Айни вақтда манипуляция жараёни ҳам ёшлар дунёқарашига жиддий таъсир қилган ҳолда муайян оқибатларни пайдо қилмоқда.

Тадқиқотчи Э.Ибрагимов ёшлар дунёқарашини ўзгартиришга қаратилган манипулятив таъсир оқибатлари⁸ борасида тўхталиб, маънавий-руҳий манипуляция натижасида анъанавий ижтимоий билимларга иштиёқсиз, ғарбона ижтимоий билим ва идеалларга мойил ёшлар, эътиқоди заиф, ўзга эътиқодларга берилувчан йигит ва қизлар, маънавий-руҳий манипуляция таъсирида реал воқеликка мос бўлмаган кайфиятдаги ёшлар, миллий қадриятларга эътиборсиз ёшлар тоифаси, маънавий-руҳий манипуляция натижасида миллий хулқ-атвор нормаларига риоя қилмайдиган ёшлар тоифаси пайдо бўлганлигини ҳамда манипуляция жамиятга негатив муносабатда бўлган, ўзгаларга беписанд ёшлар тоифасини юзага келтирганлигини,- таъкидлайди.

Дарҳақиқат, бу тоифадаги ёшларнинг дунёқарашини манипуляцион саъй-ҳаракатлардан асрар – бугунги куннинг муҳим ижтимоий вазифаларидан биридир.

Мана шундай шароитда ёшлар билими, тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш ва юксалтириш ҳамда мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ҳар қачонгиданда муҳимдир, албатта.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб таъкидлаш ўринлики, ижтимоий муносабатлар трансформациясида ёшлар дунёқараши ва қадриятлар тизимиға салбий таъсирларни камайтириш зарурияти ва долзарблиги қўйидагиларда кўринади:

Биринчидан, ҳозирги глобаллашув шароитида кечеётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар соҳасидаги кенг қўламли трансформация жараёнлари мазкур масалаларда ижобий ва салбий таъсирларни аниқлаш ва баҳолаш, ижобий жиҳатларидан унумли фойдаланиш, салбий таъсирларига нисбатан таъсирчан механизм ва методларни ишлаб чиқишини тақозо қилмоқда.

⁸ Қаранг: Ибрагимов Э. Маънавий-руҳий манипуляциянинг ёшлар дунёқарашига таъсири. Фалс.фан.фалс.докт (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. Самарқанд.: 2020. – Б. 67-84

Иккинчидан, ёшларнинг ижтимоий, сиёсий ва демографик куч эканлигидан келиб чиқиб, уларнинг билим ва дунёқараашларини шарқона тарбия ва маърифий йўл билан тўғри шакллантириш, таълим-тарбия бериш, билим ва дунёқараашини юксалтириш, ёшларнинг онгу тафаккурига акс таъсир қўрсатувчи маънавий-мафкуравий таҳдидларга қарши ўз вақтида ва самарали чоралар кўриш, ёшларга соғлом фикр берадиган манбаларни кўпайтириш зарурдир.

Учинчидан, ёшлар таълим-тарбиясида бой маънавий қадриятларимиз ва меъросимиздан унумли фойдаланиш ва уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш заруриятини тақозо қилмоқда.

Глобаллашув шароитида замонавий ижтимоий трансформацион жараёнлар ёшларнинг ижтимоий мослашувига бевосита таъсир қилгани ҳолда, ёшларнинг ижтимоий мослашувида, баркамоллигида, инсоний хислатлари ва фаол фуқаролик позицияси шаклланиши ва юксалишида қўплаб институтлар, жумладан оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари, миллий ва умуминсоний қадриятлар, майший турмуш ва бошқалар муҳим рол ўйнамоқда ҳамда уларнинг қизиқишлигини, дунёқараашини, ахлоқини белгилаб бермоқда.

Дарҳақиқат, таъкидланганидек ижтимоий муносабатлар трансформацияси кузатилаётган ҳозирги глобаллашув шароитида мазкур трансформацион жараёнларнинг ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига, дунёқараашига ва қадриятлари тизими ўзгаришига ҳам ўз таъсирини ўтказаётганлигини, шу билан биргаликда ёшларнинг дунёқараashi, уларнинг ижтимоий мўлжаллари, қадриятлари тизимининг намоён бўлиши орқали ёшлар ижтимоий мослашуви моҳиятини янада теран англаш мумкин.